

UDK: 343 (042)(575.1)
ORCID: 0000-0003-1844-5289

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯТ КОДЕКСИДА ОИЛАГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР ТУШУНЧАСИ

Иброҳимова Зулхумор Солих қизи,
Тошкент давлат юридик университети
таянч докторанти,
e-mail: zulxumor2021@mail.ru

Аннотация. Ушбу мақолада оила манфаатларига қарши қасддан содир этилган қилмишлар учун жиноий жавобгарликнинг қонунчилик асослари таҳлили келтирилган. Оилага қарши жиноятлар тушунчаси, мазкур тоифага қирадиган жиноятлар туркуми турли мезонларга асосланиб кўриб чиқилган. Муаллиф оилага қарши жиноятлар учун жавобгарликни бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар асосида, жумладан, 1948 йилги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, 1966 йилги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт қоидалари асосида таҳлил қилган. Бу ҳужжатларга мувофиқ, оила жамиятнинг табиий ва асосий бўлаги ҳисобланади ҳамда жамият ва давлат томонидан алоҳида ҳимоя остидаги ижтимоий институт экани таъкидланади. Оила манфаатларига қарши содир этилган жиноятлар учун жавобгарлик муаммоларини кўриб чиқишда муаллиф илмий билишнинг ҳуқуқий нормалари, статистик маълумотларни таҳлил қилиш, қиёсий ҳуқуқий таҳлил, шунингдек, анализ, синтез каби мантиқий усулларини қўллаган. Ушбу таҳлил асосида Жиноят кодексининг V бобида илк марта асосий объективояга етмаганларнинг нормал ривожланиши ва тарбиясини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар, шунингдек, оиланинг шахс ва жамият эҳтиёжларига муносиб шаклланиши ва фаолияти бўлган жиноятлар ҳақидаги нормалар консолидацияси амалга оширилгани хусусидаги хулосага келинган. Бу турдаги жиноятларни таснифлаш бўйича назарий қарашларни ўрганиш жараёнида муаллиф илмий адабиётларда кўп учрайдиган таснифлашни иккита кичик гуруҳга ажратади: оилага қарши жиноятлар ва вояга етмаганларга қарши жиноятлар. Танқидий таҳлил қилган ҳолда муаллиф Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноий қонунчилигига асосланиб, оила қадриятлари, оила манфаатларига таъжовуз қиладиган жиноятлар гуруҳлари, шунингдек, вояга етмаганларнинг ахлоқий, ақлий, жисмоний ривожланиши (ЖКнинг 122-, 124-, 125-моддалари) ва оила ахлоқи устунларига қарши қаратилган жиноятлар гуруҳини ажратади.

Калит сўзлар: оила, бола, болалар, вояга етмаганлар, ота-оналар, болани асраб олган оила, патронат, оила манфаатлари, ривожланиш, жиноий жавобгарлик, жиноят.

ПОНЯТИЕ ПРЕСТУПЛЕНИЙ ПРОТИВ СЕМЬИ В УГОЛОВНОМ КОДЕКСЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Иброҳимова Зулхумор Солих қизи,
базовый докторант
Ташкентского государственного юридического университета

Аннотация. В данной работе представлен анализ законодательных основ уголовно-правовой ответственности за совершение умышленных деяний, направленных против интересов семьи, рассмотрены понятие преступлений против семьи, классификация преступлений подобной

категории, основанная на различных критериях. Автором отмечается введение ответственности за преступления против семьи на основании таких международных правовых актов, как положений Всеобщей декларации прав человека 1948 г., Международного пакта о гражданских и политических правах 1966 г., а также Конвенции ООН о правах ребенка 1989 г. Согласно Всеобщей декларации прав человека (п. 3 ст. 16) и Международному пакту о гражданских и политических правах (п. 1 ст. 23), семья является естественной и основной ячейкой общества и имеет право на защиту со стороны общества и государства. В ходе рассмотрения проблем ответственности преступлений, совершаемых против интересов семьи, автором применены такие методы научного познания, как анализ норм законодательства, анализ статистических данных и материалов уголовных дел, сравнительно-правовой анализ, а также логические методы в виде анализа, синтеза и др. На основе данного анализа сделан вывод о том, что в гл. 5 УК впервые осуществлена консолидация норм о преступлениях, основным объектом которых выступают общественные отношения, обеспечивающие нормальное развитие и воспитание несовершеннолетних, правильное, отвечающее потребностям личности и общества. В ходе рассмотрения теоретических воззрений касательно классификации подобного рода преступлений автором выделены наиболее часто встречающиеся в научной литературе подразделения на две подгруппы: преступления против семьи и преступления против несовершеннолетних. С учетом критического анализа, исходя из действующего уголовного законодательства Республики Узбекистан, автором выделены группы преступлений, посягающих на семейный уклад, интересы семьи, а также группа преступлений, направленных на воспрепятствование морально-нравственному, психическому, физическому развитию несовершеннолетних (ст. 122, 124, 125 УК); преступлений, подрывающих родственно-семейные устои, сложившиеся в обществе.

Ключевые слова: семья, ребенок, дети, несовершеннолетний, родители, приемная семья, патронат, интересы семьи, развитие, уголовная ответственность, преступление.

THE CONCEPTION OF CRIMES AGAINST THE FAMILY IN THE CRIMINAL CODE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Ibrokhimova Zulkhumor Solikh kizi,

Base Doctoral Student of Tashkent State University of Law

Abstract. This article reveals an analysis of the legal framework for criminal liability for committing intentional acts against the interests of the family, considers the concept of crimes against the family, the classification of crimes of this category, based on various criteria. The author notes the introduction of responsibility for crimes against the family on the basis of such international legal acts, including the provisions of the 1948 Universal Declaration of Human Rights, the 1966 International Covenant on Civil and Political Rights, and the 1989 UN Convention on the Rights of the Child. According to the Universal Declaration of Human Rights (p. 3 of Art. 16) and the International Covenant on Civil and Political Rights (p. 1 of Art. 23), since the family is a natural and fundamental unit of society and has the right to protection from society and the state. In considering the problems of responsibility of crimes committed against the interests of the family, the author applied such methods of scientific knowledge as analysis of legal norms, analysis of statistical data and materials of criminal cases, comparative legal analysis, as well as logical methods in the form of analysis, synthesis, etc. Based on this analysis, it was concluded that in Chapter 5 of the Criminal Code, for the first time, the consolidation of the norms on crimes was carried out, the main object of which is social relations that ensure the normal development and upbringing of minors, as well as the correct one that meets the needs of the individual and society. In the course of considering theoretical views on the classification of this kind of crimes, the author singled out the types of subdivision most often found in the scientific literature into two subgroups: crimes against the family and crimes against minors. Taking into account the critical analysis, based on the current criminal legislation of the Republic of Uzbekistan, the author identified groups of crimes that infringe on the family structure, the interests of the family, as well as a group of crimes aimed at obstructing the moral, moral, mental, physical development of minors (Art. 122, 124, 125 UK); crimes that undermine kinship and family foundations in society.

Keywords: family, child, children, minor, parents, foster family, patronage, family interests, development, criminal responsibility, crime.

Кириш

Бозор иқтисодиёти шароитида, Европа намунасига таяниб ишлаб чиқилган оила тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асосида буткул бошқа даврда, умуман бошқа сиёсий ва иқтисодий шароитда юзага келган анъаналарга амал қилишда давом этмоқдамиз. Содда қилиб айтганда, аждодларимиздан мерос қолган оила масалалари борасидаги қарашларимиз қонунда тавсифланган моделдан биров фарқ қилади [4].

Оилага турлича қарашлар ҳақида ўтган аср бошида Абдулла Қодирий ёзган, сўнг совет даврида фикр билдирилган. Кўпхотинлик, эрта ва мажбурий никоҳлар эътибор марказида бўлган. Ҳуқуқий чоралар билан ушбу салбий ҳолатларга барҳам беришга эришилди. Улар ҳозир ҳам назарда тутилган: Жиноят кодексида – 126-модда (кўп хотинли бўлиш), 136-модда (аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш), 128, 129-моддалар (16 ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш ва унга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилиш).

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда – 47-3-модда (никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш). Шу билан бирга, таъкидлаш лозимки, бугунги кунда оилага қарши жиноятлар алоҳида туркум бўлиб, улар сирасига Жиноят кодексининг V боби нормаларида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишлар киради [6, 136-б.]. Мазкур қилмишлар учун жиноий жавобгарлик 1948 йилги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, 1966 йилги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт қоидалари асосида белгиланади. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (16-модданинг 3-банди) ва Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга (23-модданинг 1-банди) мувофиқ, оила жамиятнинг

табiiй ва асосий бўлаги ҳисобланади ва жамият ва давлат томонидан ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Материал ва методлар

Мақолани тайёрлаш жараёнида илмий билимларнинг ҳуқуқий нормаларни таҳлил қилиш, статистик маълумотлар ва жиноят ишларининг материалларини таҳлил қилиш, қиёсий ҳуқуқий таҳлил, шунингдек, таҳлил, синтез ва бошқа шакллардаги мантиқий усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқот натижалари

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг V бобида оилага қарши жиноятлар тушунчасининг умумий таҳлили

Оила институтини сақлаш ва муҳофаза қилиш ҳар қандай давлатнинг вазифасидир. Ўзбекистон Конституциясининг 63-моддасига асосан, оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Шунга ўхшаш норма Оила кодексининг 4-моддасида келтирилган. Ушбу умумий қоида бир қатор қонунларда ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда очиқ берилган. Давлат болаликни оилавий ҳаётнинг муҳим босқичи деб тан олади ва 2008 йил 7 январдаги “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасида бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, боланинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, боланинг камситилишига йўл қўймаслик, боланинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш эканини эълон қилади.

Боланинг шахсияти ва тафаккури, инсон сифатидаги ўзига хослиги оилада шаклланади, шунинг учун вояга етмаганнынг шахсини ҳимоя қилиш масаласи оилавий муносабатларни ҳимоя қилиш масаласи билан чамбарчас боғлиқдир. Оилани, бола-

ликни, ота-оналар ва болаларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ва қўриқлаш бўйича комплекс чора-тадбирларнинг мажбурий элементларига вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, умумий эътироф қилинган оилавий қадриятлар, оила манфаатларига қарши хатти-ҳаракатларни криминаллаштириш ҳам кирadi. Бундай криминаллаштириш давлат томонидан 1994 йилда Жиноят кодексининг қабул қилиниши орқали амалга оширилди. Жиноят кодексининг “Шахсга қарши жиноятлар” номли 1-бўлимида “Оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар” номли мустақил боб ажратилишини амалдаги жиноят қонунчилигининг ютуғи, жиноят ҳуқуқида демократик ва инсонийлик анъаналарининг давоми, деб ҳисоблаш мумкин.

Оилага қарши жиноятлар – бу Жиноят кодекси 5-бобининг 122-126-моддаларида назарда тутилган, оиланинг манфаатларига қарши ҳамда вояга етмаганларнинг соғлиғига, жисмоний, рухий, ахлоқий, интеллектуал ривожланишига зарар етказиши мумкин бўлган қасддан содир этиладиган ижтимоий хавфли қилмишлар (ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлик) ҳисобланади. Юридик адабиётларда “оила” тушунчаси борасида ягона ёндашув мавжуд эмас. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексида “оила” атамасининг ҳуқуқий таърифи йўқ. Фуқаролик ва оилавий ҳуқуқ назариясида оила остида никоҳ, қариндошлик ёки болаларни тарбиялаш учун асраб олишнинг қонунда назарда тутилган шакллари (васийлик, ҳомийлик, боқиб олиш, патронат ва бошқалар)дан келиб чиқадиган ўзаро шахсий номулкий ва мулкий ҳуқуқлар ва мажбуриятлар билан узвий боғлиқ шахслар доираси тушунилади [3, 352-б.].

Оила – бу умумий қоидага қариндошлар деб юритиладиган, никоҳ, қариндош-уруғ, биргаликда истиқомат қилиш ва умумий хўжалик юритишга асосланган, унга кирган аъзоларининг фаровонлиги, болаларни тарбиялаш, ўзаро қўмаклашиш, наслни давом эттириш учун табиий муҳитни

шакллантирадиган инсонларнинг муайян бир мажмуи (жамоаси, гуруҳи)дир.

Оила тушунчаси ижтимоий ва ҳуқуқий маънода ажратиб кўрсатилади. Ижтимоий маънода оила – бу никоҳ ёки қариндошлик муносабатларига асосланган, шахсий мулкий ва номулкий муносабатлар, ўзаро қўллаб-қувватлаш ва болаларни тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган шахсларнинг мажмуидир.

Юридик маънода оила – бу никоҳ, қариндошлик, боқиб олиш ёки болаларни тарбияга олишнинг бошқа шаклидан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан узвий боғланган шахслар доирасидир. Ижтимоий маънодаги оила ҳақиқатдаги никоҳ муносабатлари тугаши билан бекор бўлиши, аммо юридик маънода давом этиши мумкин (масалан, эр-хотинлар аслида бирга яшамайдилар, аммо улар ўртасида юридик ҳуқуқ ва мажбуриятлар мавжуд бўлади) [1].

Фикримизча, жиноят-ҳуқуқий маънода оила тушунчаси остида никоҳ, қариндошлик, асраб олиш ёки болаларни васийлик, ҳомийликка олишнинг бошқа шаклидан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқ бўлган шахслар доирасини тушуниши керак. Яъни оила ота-оналар (асраб олувчилар, васийлар, ҳомийлар) ва болалар (шу жумладан, асраб олинган болалар) томонидан ташкил топади. Бунда биргаликда яшаш ва ягона хўжаликни юритиш ҳолати жиноят қонунчилиги нуқтаи назаридан оила учун мажбурий белги эмас. Оиланинг манфаатларини оиланинг ижтимоий институт сифатида ўз функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ эҳтиёжлар деб айтиш мумкин.

Оила инсониятнинг азалий фундаментал қадриятлар ташувчиси сифатида янги авлодни кўпайтириш ва ижтимоийлашувини таъминлашга қаратилган энг муҳим вазифаларни, шу жумладан, жамиятнинг қадриятлари ва анъаналарини сақлаш, ривожлантириш ва келажак авлодларга етказиш, тарбия салоҳиятини рўёбга чиқариш,

инсонларнинг психологик қулайлик ва руҳий қўллаб-қувватлаш ҳисси, хавфсизлик туйғуси, ўз “мен”и аҳамиятини ҳис қилиш эҳтиёжларини қондириш, барча оила аъзоларининг шахсиятини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, бўш вақтини биргаликда ўтказиш эҳтиёжларини қондириш, уй ҳўжалигини биргаликда юритишни ташкил этиш, инсоннинг яқинлари билан мулоқотга бўлган эҳтиёжини қондириш, шахснинг ота ёки она бўлиш, болалар билан мулоқот қилиш, уларни тарбиялаш, оилани молиявий таъминлаш бўйича фаолиятни ташкил этиш бўйича эҳтиёжини қондириш каби функцияларни бажаради [13, 13-б.; 12, 40-б.].

Жиноят кодексининг V боби нормалари оиланинг ижтимоий институт сифатида энг муҳим манфаатларини ҳимоя қилади. Оилани молиявий таъминлаш бўйича фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ манфаатлар Жиноят кодексининг 122-123-моддалари нормалари, болаларнинг туғилиши, тарбияси, оталик ёки оналикка бўлган шахсий эҳтиёжини қондириш, болалар билан мулоқот қилиш билан боғлиқ манфаатлар ЖК 124-125-моддаларида белгиланган нормалар билан ҳимояланган. Жиноят кодексининг V бобида қонун чиқарувчи қуйидаги тушунчалардан фойдаланади: вояга етмаган (Жиноят кодексининг 122, 127-моддалари), бола (Жиноят кодексининг 124-моддаси), болалар (Жиноят кодексининг 125-моддаси), никоҳ ёши (Жиноят кодексининг 125¹-моддаси). Шуни таъкидлаш керакки, “бола” тушунчаси ҳам умумий илмий, ҳам ҳуқуқий маънода кўп қиррали категориядир. Ушбу атама турли ҳуқуқ тармоқларининг норматив ҳуқуқий ҳужжатларида қўлланилади ва унинг мазмуни тегишли ҳуқуқ соҳасининг мақсади ва вазифаларига қараб ўзгариб боради [12, 43-б.]. “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунда (3-модда 1-банд) бола (болалар) деганда ўн саккиз ёшга тўлгунга (вояга етгунга) қадар бўлган шахс (шахслар) тушунилади.

БМТнинг 1989 йилги Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясининг 1-моддасига кўра, башарти ушбу болага нисбатан қўлланиладиган қонунга асосан у илгари вояга етган деб топилмаса, ҳар бир инсон ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар бола ҳисобланади. Фикримизча, Жиноят кодексининг V боби мақсадлари нуқтаи назаридан “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунда болага берилган таъриф – ўн саккиз ёшга тўлмаган (вояга етмаган) шахс атамасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, назаримизда, Жиноят кодексининг таҳлил қилинаётган боби доирасида “вояга етмаган”, “бола”, “болалар” тушунчалари бир хил мазмунга эга бўлиб, улар остида ўн саккиз ёшга тўлмаган (вояга етмаган) шахслар тоифаси тушунилиши керак.

Бола манфаатлари энг муҳим категориялардан бири бўлиб, унга оила ҳуқуқида алоҳида юксак эътибор берилади. Жумладан, А.Ю. Сологуб бола манфаатларини уни боқиш ва бекаму кўст ривожлантириш учун зарур шароитларни яратишда кўради [10, 142-б.]. А.М. Нечаева айнан “ривожланиш” “бола манфаатлари” тушунчасининг асосини ташкил этади, деб ҳисоблайди. Боланинг манфаатларини унинг ривож топиши (ахлоқий, маънавий, жисмоний) нуқтаи назаридан баҳолаш унинг ривожланиб бораётган шахс сифатида ҳақиқий манфаатларини аниқлашда биринчи босқич бўлиб хизмат қилади [5, 62-б.]. Бола (вояга етмаган) манфаатларининг негизини унинг ривож топиши (жисмоний, руҳий, ахлоқий, интеллектуал, ижтимоий) ташкил этади, деб айтиш мумкин. Инсоннинг жисмоний ривожланиши унинг саломатлиги ва фаровонлигининг муҳим кўрсаткичларидан биридир [8].

Руҳий ривожланиш шахснинг психик жараёнлари ва психик хусусиятларини ўқитиш ва тарбиялаш таъсири остида ўсиб бориши билан боғлиқ. Руҳий жараёнлар муайян бир ёш даврига тўғри келадиган муайян босқичларда давом этади. Маънавий ривожланиш – бу шахснинг

ахлоқий йўналтирилган, ижодкор ҳаётий фаолияти ҳамда жамият ва давлатда ўз-лигини муваффақиятли англаб етиши асосида ижтимоий-маданий муҳитга киришиб кетишини таъминлайдиган маънавий қадриятлар ўзгаришининг сифат ва миқдор кўрсаткичларини изчил тўплаш жараёнидир. Интеллектуал ўсиш турли тафаккур кўринишларини ўзлаштириш ва улардан фойдаланиш қобилиятини шакллантиришни англатади. Интеллектуал ўсишнинг мазмуний тарафи дунё ҳақида муайян миқдорда асосий илмий билимларни англаб етишни ва воқеликни фалсафий, аниқ тарихий баҳолаш қобилиятини қамраб олади [13, 17]. Оиланинг бола нормал жисмоний, руҳий, ахлоқий, интеллектуал ривожланиши билан боғлиқ бўлган манфаатлари кўпроқ Жиноят кодексининг 122, 125¹-моддалари билан ҳимояланган. Фикримизча, вояга етмаганларнинг оилавий муносабатлар соҳасидаги манфаатлари, хусусан, вояга етмаган шахснинг яқинлари билан мулоқот қилиш эҳтиёжини қондиришга қаратилган муносабатлар (Жиноят кодексининг 124-моддаси) ва болаларни тарбиялаш (Жиноят кодексининг 125-моддаси) алоҳида категорияни ташкил қилади.

Оилада ривожланиш жараёни тарбия жараёнини амалга ошириш орқали кечади. Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 7 февралдаги фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш соҳасида жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш устувор вазифалар этиб белгиланган.

Оила шахсни ахлоқан ва маънан юксак даражада ривожлантиришда ҳал қилувчи

роль ўйнайди. “Оилавий тарбия” тушунчаси таркибининг биринчи мазмун жиҳати бола ва унинг шахсияти билан боғлиқ. Оила кодексининг 65-моддаси 1-қисмига мувофиқ, ҳар бир бола оилада яшаш ва тарбияланиш, ўз ота-онасини билиш, уларнинг ғамхўрлигидан фойдаланиш, улар билан бирга яшаш ҳуқуқига эга, бола манфаатларига зид бўлган ҳолатлар бундан мустаснодир.

Оилавий тарбиянинг иккинчи жиҳати – болага тарбиявий таъсир кўрсатиш. Оила кодексида ота-оналарнинг ушбу соҳадаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари мустақамланган. Оилавий тарбиянинг учинчи мазмун жиҳати шундаки, боланинг шахсиятига тарбиявий таъсир барча, жумладан, жисмоний, руҳий, интеллектуал, ижтимоий каби йўналишларда амалга оширилади. Ушбу жиҳат ота-оналарнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари рўйхати орқали белгиланади [2]. Айни чоғда, тарбия жараёнини амалга оширишда ота-оналарнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари рўйхати тугал бўлиши ёки бўлмаслиги масаласи мунозарали ҳисобланади. Айрим муаллифлар фикрича, боланинг ҳам, ота-онасининг ҳам ҳуқуқлари ва манфаатлари бузилишига йўл қўймаслик учун ота-оналар ва болалар ўрта-сидаги муносабатлар имкон қадар ҳуқуқий шаклга эга бўлиши керак [11]. Бошқа муаллифларга кўра, ота-она ҳуқуқларининг қонундаги батафсил шаклланишига ҳожат йўқ, чунки ҳар бир ота-она болани ўзича, ўз билганича тарбиялайди. Ушбу муаллифлар фикрича, қонун чиқарувчи ушбу соф индивидуал жараёнга аралашмасдан, фақат ота-она ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини амалга ошириш чегараларини белгилайди [9]. Назаримизда, бу муаллифларнинг қарашлари бир-бирига мутлақо зид, бинобарин ҳақиқат тахминан шу фикрлар ўртасида. Яъни қонун чиқарувчи ҳақиқатдан ҳам ота-она ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўла-тўқис белгилаши амримаҳол, бунинг зарурати ҳам йўқ. Шу билан бирга, ота-онанинг энг асосий ҳуқуқлари ва маж-

буриятлари қонунда мустақамланиши зарурлиги ҳам айна ҳақиқат. Оила кодексининг 75-моддасига мувофиқ, ота-оналик ҳуқуқи болалар манфаатларига зид тарзда амалга оширилиши мумкин эмас. Болалар манфаатларини таъминлаш ота-она ғамхўрлигининг асосини ташкил қилиши лозим. Ота-оналик ҳуқуқини амалга оширишда ота-она болаларининг жисмоний ва руҳий соғлиғига, ахлоқий камолотига зарар етказишга ҳақли эмас. Болаларни тарбиялаш усуллари менсимаслик, шафқатсизлик, қўполликдан, инсоний қадр-қимматни камситувчи муомаладан, болаларни ҳақоратлаш ёки эксплуатация қилишдан холи бўлиши керак.

Вояга етмаган шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш ҳолатидаги ҳуқуқлари, яъни суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик Жиноят кодексининг 122-моддаси билан қўриқланади. Демак, вояга етмаганларнинг Жиноят кодексининг V боби нормалари билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини икки турга ажратиш мумкин: вояга етмаганларнинг жисмоний, руҳий, ахлоқий, интеллектуал, ижтимоий ривожланиши билан боғлиқ манфаатлар; вояга етмаганларнинг оилавий муносабатлар соҳасидаги манфаатлари.

Хулосалар

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Жиноят кодексининг V бобида илк марта асосий объекти вояга етмаганларнинг нормал ривожланиши ва тарбиясини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар, шунингдек, оиланинг шахс ва жамият эҳтиёжларига муносиб шаклланиши ва фаолияти бўлган жиноятлар ҳақидаги нормалар консолидацияси амалга оширилди. Илмий доктринада ушбу гуруҳ жиноятларининг турли таснифлари таклиф қилинади. Илмий адабиётларда аксарият ҳолларда ушбу жиноятларни икки гуруҳга ажратиш таклиф қилинади: оилага қарши

жиноятлар ва вояга етмаганларга қарши жиноятлар [7, 286-б.].

Ушбу таснифлар асосида ҳамда ЖК нормаларидан келиб чиқиб, биз уларнинг қуйидаги умумий таснифини таклиф этамиз:

1. *Оила турмуш тарзига, оила манфаатларига тажовуз қиладиган жиноятлар*: болани алмаштириб қўйиш (Жиноят кодексининг 124-моддаси); фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш (Жиноят кодексининг 125-моддаси); вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш (Жиноят кодексининг 122-моддаси).

2. *Болалар (вояга етмаганлар)нинг ахлоқий, маънавий, ақлий, жисмоний ривожланишига тажовуз қиладиган жиноятлар*: вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш (Жиноят кодексининг 122-моддаси); болани алмаштириб қўйиш (Жиноят кодексининг 124-моддаси).

3. *Жамиятда вужудга келган қариндошлик ва оилавий асосларга қарши жиноятлар*: вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш (Жиноят кодексининг 122-моддаси); ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш (Жиноят кодексининг 123-моддаси); никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (Жиноят кодексининг 125¹-моддаси); кўп хотинли бўлиш (Жиноят кодексининг 126-моддаси).

Асосий объектга салбий таъсир кўрсатиш жиддийлигига қараб, тадқиқотчи П.А. Филиппов ушбу жиноятларни икки гуруҳга ажратади: 1) асосан вояга етмаганларнинг манфаатларига зиён етказадиган жиноятлар; 2) асосан оила манфаатларини бузадиган жиноятлар [13; 17]. Бизнингча, ушбу нуқтаи назарга асосланадиган бўлсак, Жиноят кодексининг V бобида назарда тутилган жиноятларни асосий объекти (манфаатлар) бўйича қуйидагича таснифлаш мумкин:

1) вояга етмаганларнинг нормал жисмоний, рухий, ахлоқий, интеллектуал ривожланишига тажовуз қиладиган жиноятлар (Жиноят кодексининг 122, 124, 125-моддалари);

2) оилавий муносабатлар соҳасида вояга етмаганлар манфаатларини бузadиган жиноятлар (Жиноят кодексининг 125¹-моддаси);

3) оила ва қариндошлик манфаатларига тажовуз қилувчи жиноятлар (Жиноят кодексининг 123, 126-моддалари).

Албатта, ушбу тасниф шартли. Боиси, Жиноят кодексининг V бобида назарда тутилган жиноятларни содир этишда ҳам вояга етмаганларнинг манфаатлари, ҳам оила манфаатларига зарар етказилди.

REFERENCES

1. Grishaev S.P. Postatejnyj kommentarij k Semejnomu kodeksu Rossijskoj Federacii [An article-by-article commentary on the Family Code of the Russian Federation. 2nd ed. revised and add]. Prepared for the Consultant Plus system, 2017.
2. Komissarova E.G., Krasnova T.V. Pravo rebenka na semejnoe vospitanie: reguljativnyj aspekt [The child's right to family education: a regulatory aspect]. Vestnik Permskogo universiteta – Perm University Bulletin. Legal Sciences, 2019, no. 4, pp. 672-697.
3. Alekseeva O.G., Zaec L.V., Zvjaginceva L.M. Kommentarij k Semejnomu kodeksu Rossijskoj Federacii: (uchebno-prakticheskij, postatejnyj) [Commentary on the Family Code of the Russian Federation]. Moscow, 2015, 352 p. Access from the reference legal system «ConsultantPlus»..
4. Latipov S. Nikoh va oila: qonun hujjatlari samaralimi? Available at: https://www.norma.uz/uz/bizning_sharhlar/nikoh_va_oila_qonun_hujjatlari_samaralimi/.
5. Nechaeva A.M. Zashhita interesov rebenka v mnogodetnoj sem'e [Protecting the interests of a child in a large family]. Zakony Rossii: opyt, analiz, praktika – Russian laws: experience, analysis, practice, 2012, no. 6, 62 p.
6. Otajonov A. Shaxsga qarshi jinoyatlar [Crimes against the person]. Tashkent, Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, 2012, 136 p.
7. Palij V.V. Obekt prestuplenij protiv sem'i i nesovershennoletnih: spornye voprosy [Object of crimes against seven and minors: controversial issues]. Aktual'nye problemy rossijskogo prava – Actual problems of Russian law, 2010, no. 3, 286 p.
8. Anisimova O.M., Vasilenko V.E., Golovej L.A. Psihologija razvitija i vozrastnaja psihologija [Developmental psychology and developmental psychology. Textbook and a workshop for universities]. Moscow, Vysshee obrazovanie Publ., 2020, p. 4.
9. Smirnovskaja S.I. Ogranichenie roditel'skih prav po semejnomu zakonodatel'stvu Rossijskoj Federacii: 12.00.03 Dis. kand. jurid. nauk [Restriction of parental rights under the family legislation of the Russian Federation. 12.00.03 Dissertation of the candidate of legal sciences]. Moscow, Institute of State and Law of the Russian Academy of Sciences, 2007, p. 3.
10. Sologub A.Ju. Kategorija «zakonnyj interes» kak jelement pravovogo statusa rebenka [The category of «legitimate interest» as an element of the legal status of the child]. Voprosy sovremennoj jurisprudencii – Questions of modern jurisprudence, 2013, no. 29, 142 p.
11. Starosel'ceva M.M. O principah osushhestvlenija roditel'skih prav [On the principles of exercising parental rights]. Sovremennoe pravo – Modern Law, 2008, no. 11, 36 p.
12. Usacheva E.A. Ponjatie «rebenok» v kategorial'nom apparate semejnopravovogo regulirovanija [The concept of «child» in the categorical apparatus of family law regulation]. Zakony Rossii: opyt, analiz, praktika – Russian laws: experience, analysis, practice, 2016, no. 8, pp. 40-43.
13. Filippov P.A. Lekcii o prestuplenijah protiv sem'i i nesovershennoletnih : ucheb. posobie [Lectures on crimes against seven and minors: a textbook]. Moscow, 2019, 17 p.